

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****340 Микрокредит ташкилотларида аудит текширувлари-  
ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш  
ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда) ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 233-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/4-сонли қарори (рўйхат рақами 2379, 2012 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 341-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 8 июнь,  
12/8-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2013 йил 8 июндаги 12/8-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси «тўғрилиги ва» деган сўзлардан кейин «бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Микрокредит ташкилоти аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ аудиторлик ташкилоти хизматлари ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.».

3. 17-бандда:

олтинчи хатбошидаги «талаб қилиши шарт.» деган сўзлар «талаб қилиши;» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«аудиторлар ишининг сифати назорат қилинишини таъминлаши шарт.»;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. 26-банд «аудитор (аудиторлар)» деган сўзлардан кейин «ва аудиторлик ташкилотининг раҳбари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.